



102
138

140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, з.Иштихан ул. Иштиханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

20 № у.г «И» ш.ш.е

№ 23407

Ishtixon sh.-г.Иштихан

Тумандаги "ZARBAND RAISINS" маъсулияти чекланган жамиятига "Зарбанд" кишлоқ фуқаролар йиғини Бўстон кишлоғи худудидан "Узумни қуритиш ва майизни қадоклаш цехи" биноси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Б-3
Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Иштихон туманидаги "ZARBAND RAISINS" маъсулияти чекланган жамиятининг "Узумни қуритиш ва майизни қадоклаш цехи" биносини қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган хатинига асосан. "Зарбанд" кишлоқ фуқаролар йиғини Бўстон кишлоғи худудидаги 402-контурда жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган, кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Узумни қуритиш ва майизни қадоклаш цехи" биносини жойлаштириш бўйича "Давархитектқурилиш" кўмитасининг 2002 йил 1 ноябрда тасдиқланган Регламентига асосан "Кишлоққурилишлойиха" МЧЖдан олинган 2016 йил 1 июлдаги 07-16/19-1045-сонли ижобий ҳулосасини, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 14 июлдаги 1026-сонли ҳулосасини ва туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 19 июлдаги 29-сонли далолатномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "Кишлоққурилишлойиха" МЧЖдан олинган 2016 йил 1 июлдаги 07-16/19-1045-сонли ижобий ҳулосаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 14 июлдаги 1026-сонли ҳулосаси маълумот учун қабул қилинсин, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси аъзоларининг 2016 йил 19 июлдаги 29-сонли далолатномаси тасдиқлансин.
2. "Зарбанд" кишлоқ фуқаролар йиғини Бўстон кишлоғи худудидаги 402-контурда жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган, кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "ZARBAND RAISINS" маъсулияти чекланган жамиятига "Узумни қуритиш ва майизни қадоклаш цехи" биноси қуриш ва ободонлаштириш учун умумий майдони 1,1 (бир бутун бир) гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. "ZARBAND RAISINS" маъсулияти чекланган жамиятига рухсат этилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиха олди ва лойиха ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу ер майдонида "Узумни қуритиш ва майизни қадоклаш цехи" биносини қурилишини лойиха асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов